

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMACI SINING
QARORI

296 «Навоий КМК» давлат корхонаси ходимлари иш ҳақини туманлар (ҳудудлар) бўйича тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида

«Навоий КМК» давлат корхонасининг кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, юқори малакали мутахассисларининг касбий ва моддий манфаатдорлигини ошириш, шунингдек уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2017 йил 1 майдан бошлаб «Навоий КМК» давлат корхонаси ходимларининг иш ҳақига қуйидаги миқдорларда туман (ҳудудий) коэффицентлари белгилансин:

1,60 — Навоий вилоятининг Зарафшон, Учқудук шаҳарларида, Томди, Учқудук, Конимех, Нурота туманларида, Бухоро вилоятининг Гиждувон, Пешку туманларида, Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида жойлашган бўлинмалар ходимлари учун;

1,30 — Самарқанд вилоятининг Нуробод шаҳрида, Қўшрабод, Нуробод, Пахтачи, Ургут туманларида, Жиззах вилоятининг Галлаорол ва Зомин туманларида жойлашган бўлинмалар ходимлари учун;

1,20 — Навоий вилоятининг Навоий шаҳрида ва Кармана туманида, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида, Китоб туманида, Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида, Пскент ва Оҳангарон туманларида жойлашган бўлинмалар ходимлари учун.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йил 1 майдан бошлаб:

«Навоий КМК» давлат корхонаси ходимларининг иш ҳақига туман (ҳудудий) коэффицентларини ҳисоблашнинг чекланган суммаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг олти бараварини ташкил этади;

Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий вилояти халқ хўжалиги тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ҳудудий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида» 1992 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори билан белгиланган туман (ҳудудий) коэффицентлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг «Пенсиялар, стипендиялар ва бюджетдаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш чоралари тўғрисида» 1992 йил 4 сентябрдаги 407-сон қарори билан белгиланган туман (ҳудудий) коэффицентларини ҳисоблашнинг чекланган суммаси миқдори «Навоий КМК» давлат корхонасининг ходимларига нисбатан қўлланмайди.

3. Ходимларнинг иш ҳақига коэффицентлар белгилаш билан боғлиқ харажатлар «Навоий КМК» давлат корхонаси маблағлари ҳисобига амалга оширилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

17 (777)-сон

— 133 —

296-297-моддалар

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклан-
син.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 24 апрель,
232-сон